

“Кутубхоналарнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш йўллари” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди



Семинарда асосан, Ахборот-кутубхона марказларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4354-сонли Қарори ижроси, ахборот-кутубхона марказларида меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши ҳамда ахборот-кутубхона марказлари самарадорлигини ошириш йўллари мавзуларида сўз юритилди.

Шунингдек, семинар давомида ташаббускорлар томонидан соҳада фидокорона хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ фаоллар муносиб рағбатлантирилди. Қолаверса, “Китоб совға қиласман” акцияси доирасида ҳар бир туман ахборот-кутубхона марказига китблар жамланмалари топширилди.